

**Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан
2018 йил 4-чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида” 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2018 йилнинг 4-чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2018 йилда судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Ҳисобот даврида вилоят судларининг апелляция инстанциясида 7 326 та, кассация инстанциясида 8 506 та фуқаролик иши кўрилган. Апелляция инстанциясида туманлараро судларида чиқарилган ҳал қилув қарорларининг 1 013 (1 231) таси ёки 0,5 фоизи, кассация инстанциясида 1 394 (1 732) та ёки 0,7 фоиз ишлари бўйича жами 2 407 та ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Апелляция ва кассация инстанциясида биринчи инстанция суди қарорларининг бекор қилиниши Андижон вилоят судида 207 та, Қашқадарёда 214 та, Самарқандда 191 та, Фарғонада 405 та, Тошкент вилоятида 259 та, Тошкент шаҳрида 253 тани ташкил этган.

Вилоят судлари апелляция ва кассация инстанциялари ваколатидан тўғри фойдаланиш, ўз вақтида суд хатоликларини тўғрилаш ўрнига, айrim ҳолларда ўзлари қўпол хатоликка йўл қўйиб, мазмунан тўғри бўлган суд қарорларининг бекор қилинишига йўл қўйган ҳолатлар мавжуд.

Хусусан, Олий судда назорат тартибида бекор қилинган жами 506 та апелляция ва 420 та кассация инстанцияси судлари ажримлари бўйича, 106 та иш бўйича биринчи инстанция суди қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 20 та, Тошкент вилоятида 15 та, Қашқадарё вилоятида 14 та, Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида 13 тани ташкил этган.

Ҳисобот даврида назорат инстанциясида 542 та иш бўйича туманлараро судлари қарорлари бекор қилинган. Шундан 347 таси ёки 64,1 фоизи бўйича янги ҳал қилув қарорлари чиқарилган, 131 таси ёки 24,2 фоизи бўйича тарафларни жалб қилиш лозимлиги сабабли ишлар янгидан кўриш учун юборилган.

Судлов ҳайъатида кўрилган ишлар бўйича қуий судлар томонидан ишни кўришда йўл қўйилган қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 39 та хусусий ажрим чиқарилган.

Туманлараро судларининг барча суд инстанцияларида кўрилган ишлар бўйича жами 2996 та ёки 1,6 фоиз суд қарорлари бекор қилинган.

Айниқса, Фарғона вилоят судларининг 481 та, Тошкент шаҳар судларининг 344 та, Тошкент вилоят судларининг 328 та, Сурхондарё вилоят судларининг 284 та, Қашқадарё вилоят судларининг 271 та, Андижон ва Самарқанд вилоят судларининг 238 тадан суд қарорлари бекор қилинган.

Бекор қилинган суд қарорларининг таҳлили шуни кўрсатадики, судлар томонидан уй-жой, меҳнат, кредит, ер, мерос ҳамда битимлар билан боғлик низолар билан боғлик фуқаролик ишларини кўришда моддий ва процессуал ҳукуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш натижасида хато-камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда амалдаги қонун ҳужжатлари, шунингдек Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қиласлик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

1. Тарафлар ўртасида қарз шартномаси тузилмаганлиги ҳамда улар ўртасида қарз муносабати юзага келмаганлиги қарзни ундириш ҳақидаги талабни рад этишга асос бўлади.

Ботир Алимов жавобгар Жамила Аминовага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2005 йилдан 2016 йил 7 августга қадар Россия Федерациясида ишлаб, жавобгарга 10.000 АҚШ доллари юборганлигини, бироқ жавобгар мазкур пулларни беришдан бош тортиб келаётганлигини билдириб, жавобгардан мазкур суммани ундиришни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 11 апрелдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 13 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган ва жавобгар Жамила Аминовадан даъвогар Ботир Алимов фойдасига 44.560.000 сўм ундирилиши белгиланган. Даъво талабининг қолган қисми рад қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 4 октябрдаги ажрими билан қўйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Марказий банк маълумоти билан даъвогар Ботир Алимовнинг 2005-2016 йилларда жавобгарнинг номига қайд этилган пул юборилганлиги тасдиқланган.

Жавобгар ушбу пулларни олганлигини ва фарзандлари таъминотига сарфлаганлигини билдирган.

Биринчи инстанция суди даъвогар томонидан юборилган пуллар жавобгарга нисбатан қарз мажбуриятини вужудга келтиришига асосланиб, даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида холосага келган.

Ваҳоланки, тарафлар ўртасида ёзма ёки оғзаки тарзда пулни жамғарib бориш ва қайтариш ҳақида ўзаро келишув бўлмаган.

6-325-18-сонли иш

2. Гувоҳларнинг қўрсатмаларига асосан суд томонидан фарзандликка олинганлик факти белгиланиши мумкин эмас.

Мафтуна Сабирова юридик аҳамиятга эга бўлган фактни белгилаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиб, ота-онаси уни уч ёшлигида, холаси Тўпа Аминовага фарзандликка берганлигини, лекин бу тегишли тартибда расмийлаштирилмаганлигини, холаси уни вояга етказиб, турмушга берганлигини, турмушга чиққанидан сўнг ҳам холасини олиб кетиб, бирга яшаганлигини, 1993 йил 12 сентябрда холаси вафот этганлигини, унинг вафотидан сўнг меросни қабул қилиш учун мазкур ариза билан судга мурожаат қилганлигини билдириб, Т.Аминова томонидан ўзининг фарзандликка олинганлиги фактини белгилашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 13 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, Мафтуна Сабированинг 1903 йилда туғилган, 1993 йил 12 сентябрда вафот этган марҳума Тўпа Аминова томонидан фарзандликка олинганлиги факти белгиланган.

Иш апелляция ёки кассация инстанцияларида кўрилмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 24 октябрдаги ажрими билан қўйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик иши кўрмасдан қолдирилган.

Суд, 1993 йил 12 сентябрда вафот этган Т.Аминованинг жияни М.Сабировани уч ёшлигидан тарбиялаб, турмушга берганлиги ва вафотига қадар бирга яшаб келганлиги гувоҳларнинг кўргазмаси билан тасдиқланганлигига асосланиб, аризани қаноатлантирган.

2018 йил 1 апрелга қадар амалда бўлган ФПК 283-моддасининг учинчи қисмига кўра, аризачи юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача тартибда олиши мумкин бўлмаган ёки йўқотилган ҳужжатларни тиклашнинг имкони бўлмаган тақдирдагина суд бу фактни аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги “Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 5-сонли қарорининг 3-4-бандларига кўра, амалдаги қонунларда белгилашнинг бошқача (судсиз) тартиби назарда тутилган фактларни белгилаш тўғрисидаги аризалар суд тартибida кўрилиши мумкин эмас.

Аризачи М.Сабированинг Т.Аминова томонидан фарзандликка олинганлиги тегишли тартибда расмийлаштирилмаган, фарзандликка олинганлик фактини гувоҳлар қўрсатмасига асосланган ҳолда белгилаб бўлмайди.

3. Бирон-бир шахс бошқа шахсга нисбатан ғайриқонуний ҳаракат (харакатсизлик) содир қилмаган бўлса, ундан фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган заарлар учун тегишли сумма ундирилиши мумкин эмас.

Акрам Каримов жавобгарлар Нурали Файзуллаев, Асрор Қодиров ва Амир Хусеновларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, улардан жиноят натижасида етказилган моддий зарар учун 27.500.000 сўмни, йўл харажатлари учун 1.000.000 сўмни ва маънавий заарлар учун 10.000.000 сўмни ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2015 йил 14 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгарлардан солидар тартибда даъвогар фойдасига 27.500.000 сўм моддий ҳамда 2.000.000 сўм маънавий заарларни ундириш белгиланган.

Фуқаролик иши апелляция ёки кассация тартибида кўрилмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 26 ноябрдаги ажрими билан қўйидагиларга кўра, суд қарорининг жавобгар Нурали Файзуллаевдан моддий ва маънавий зарар ҳамда давлат божи ундиришга оид қисмлари бекор қилиниб, шу қисмлар бўйича даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Асрор Қодиров калбаки хужжатлар асосида қайнакаси Амир Хусеновга тегишли “Ласетти” русумли автомашинани 2011 йил 19 декабрда Н.Файзуллаевга нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан сотган.

Орадан 5-6 ой ўтиб Н.Файзуллаев ушбу автотранспорт воситасини даъвогар Акрам Каримовга 27.500.000 сўмга сотган, кейинчалик автомашина ноқонуний йўллар билан божхона назоратини четлаб Ўзбекистон Республикаси олиб кирилганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат бўйича Асрор Қодиров ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган, кейинчалик суднинг ҳукмига асосан айбдор деб топилиб, тегишли жазога тортилганлар, шу сабабли даъвогар Акрам Каримов жавобгарларга нисбатан жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий заарларни ундиришни сўраб судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 985-моддасининг биринчи қисмига кўра, ғайриқонуний ҳаракат (харакатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган заар, шунингдек юридик шахсга етказилган заар, шу жумладан бой берилган фойда заарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Биринчи инстанция суди мазкур қонун талабига асосланиб, даъвони қаноатлантирган, бироқ жавобгар Н.Файзуллаевдан ҳам ундиришни лозим деб топган бўлса-да, Н.Файзуллаев томонидан даъвогарга нисбатан жиноят содир қилганлиги ҳамда заар етказганлигини исботловчи далиллар мавжуд

эмаслигига, юқорида қайд қилинган суднинг ҳукмида ҳам у судланувчи эмас, балки гувоҳ сифатида жалб қилиниб сўрек қилинганилигига эътибор қаратилмаган.

6-2223-18-сонли иш

4. Уй-жой мулқдорининг розиликсиз таъмирланган бўлса, мазкур сарф-харажатларни ундиришга йўл қўйилмайди.

Зулайхо Қасимова жавобгар Тохир Қасимов ва Шоира Маматоваларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, хонадонни таъмирлашга кетган 21.084.185 сўмни ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 6 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво қисман қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига жавобгарлар Т.Қасимов ва Ш.Маматовалардан уй-жойга қилинган сарф-харажатлар учун 9.404.359 сўм, баҳолаш хизмати учун 600.000 сўм, давлат фойдасига 200.087 сўм давлат божи солидар тартибда ундирилиши белгиланган.

Ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанциясида қўрилмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 20 ноябрдаги ажрими билан қўйидаги асосларга кўра суд қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш хақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, У. шаҳар, 5-кичик туман, 5-уй, 18-хонадон даъвогар З.Қасимованинг собиқ турмуш ўртоғи Т.Қасимовга қонун бўйича меросга бўлган хуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан тегишли бўлган, улар ушбу хонадонда бир оила бўлиб яшаб келишган, кейинчалик эр-хотин ажрашиб кетишган бўлса-да, мазкур хонадонда Зулайхо Қасимова фарзандлари билан яшаб келган.

Т.Қасимов 2016 йил 12 декабрда ушбу хонадонни Ш.Маматовага ҳадя қилган ва уй-жой унинг номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

Биринчи инстанция суди экспертнинг низоли хонадонни таъмирлаш учун кетган сарф-харажатлар баҳоси бўйича тегишли хулосага асосланиб даъвони қаноатлантирган.

Бироқ, даъвогар З.Қасимова ўз оила аъзолари билан низоли хонадонда яшаган бўлса-да, мулқдор Ш.Маматова билан ўрталарида уй-жойни таъмирлаш бўйича бирон-бир келишув мавжуд бўлмаган.

6-2086-18-сонли иш

5. Уй-жойга эгалик хукуқини вужудга келтирувчи муддат амалда вужудга келган ёки келмаганилигига аниқлик киритмасдан туриб, уй-жойга эгалик хукуқини белгилаш мажбурияти юклатиш мумкин эмас.

Аризачи Ойбек Фармонов судга шикоят билан мурожаат қилиб, унда Я. туман ҳокимлиги зиммасига Я. туман, Ёрқин ҳаёт қўчасида жойлашган

3-хонадонга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туманлараро судининг 2016 йил 14 октябрдаги ҳал қилув қарори билан аризачининг шикояти қаноатлантирилган.

Я. туман ҳокимининг 2015 йил 10 декабрдаги 01/649-сонли жавоб хати ғайриқонуний деб топилиб, туман ҳокимияти зиммасига Я. туман, Ёрқин ҳаёт кўчаси 3-хонадонга нисбатан аризачи Ойбек Фармоновнинг номига эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбурияти юклатилган.

Фуқаролик иши апелляция ёки кассация тартибида кўрилмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 28 ноябрдаги ажрими билан қўйидаги асосларга қўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарор чиқарилган.

Аниқланишича, Я. туман ҳокимининг 2015 йил 10 декабрдаги 01/649-сонли хатида уй-жой низоли бўлганлиги сабабли аризачининг ушбу талаби рад қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 187-моддасига қўра, мулқдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат).

Шахс ихтиёрида бўлиб, ушбу Кодекснинг 228, 229, 230 ва 232-моддаларига мувофиқ унинг эгалигидан талаб қилиб олиниши мумкин бўлган ашёларга доир эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тегишли талаблар бўйича даъво муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди.

Биринчи инстанция суди мазкур қонун талабини қўллаган ҳолда, низоли уй-жой аризачи томонидан қурилганлигини ҳамда у 2001 йилдан бошлаб ушбу уйда яшаб келаётганлигига асосланиб, шикоятни қаноатлантириш ҳақида хulosага келган бўлса-да, аризачига низоли уй-жойга эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат амалда вужудга келган ёки келмаганлигига аниқлик киритмасдан, юқорида қайд қилинган қонун талаби бўйича шахс жами бўлиб ўн саккиз йилдан кейин кўчмас мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини қўлга киритиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирган.

Бундан ташқари, низоли уй-жой 2011 йил 22 июлда фуқаро Нодира Сабированинг номига давлат рўйхатидан ўтказилганлиги инобатга олинмаган.

6-2363-18-сонли иш

6. Кредит олган шахс шартнома мажбуриятларини бажармаса, кредит таъминоти сифатида мол-мулкни гаровга қўйган шахсдан кредит қарзи ҳамда тегишли давлат божи ундирилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси “Агробанк” АТБ Я. филиали манфаатида жавобгарлар “Чиқирчи” оилавий корхонаси ва бошқаларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2016 йил 28 мартағи ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Унга кўра, “Агробанк” АТБ Я. филиали ва “Чиқирчи” оилавий корхонаси ўртасида 2014 йил 8 сентябрда тузилган 520-сонли кредит шартномаси муддатидан олдин бекор қилиниб, “Чиқирчи” оилавий корхонаси ва Р.Ахмедовалардан “Агробанк” АТБ Я. филиали фойдасига “80.938.000 сўм кредит қарзи, давлат фойдасига 16.187.600 сўм давлат божи солидар тартибда ундирилиши, ундирув Р.Ахмедовага тегишли бўлган савдо дўконига қаратилган.

Апелляция инстанциясининг 2016 йил 31 майдаги ажрими билан ҳал қилув қарорининг давлат божи ундиришга оид қисми 1.618.760 сўмга камайтирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 9 октябрдаги ажрими билан қуйидагиларга кўра, суд қарорларининг кредит бўйича қарздорлик ва давлат божини Р.Ахмедовдан солидар тартибда ундиришга оид қисми бекор қилинган.

Аниқланишича, 2014 йил 8 сентябрда “Агробанк” АТБ Хоразм вилояти Я. филиали билан жавобгар “Чиқирчи” оилавий корхонаси ўртасида 520-сонли кредит шартномасига асосан жавобгарга 3 йил муддатга 70.000.000 сўм кредит ажратилган.

Кредит таъминоти сифатида Р.Ахмедовага тегишли савдо дўкони гаровга қўйилган.

Кредит шартномасига асосан жавобгар кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини белгиланган муддат ва миқдорда тўлаб бориши лозим бўлса-да, мазкур мажбуриятни бажармаган.

Биринчи инстанция суди шартнома шартларига асосланиб, кредит шартномасини муддатдан олдин бекор қилиш тўғрисида қонуний тўхтамга келган.

Аммо, ушбу кредит шартномаси бўйича қарздорлик ҳамда давлат божини солидар тартибда ундиришни белгилаб, хатоликка йўл қўйган, чунки кредит шартномаси бўйича жавобгар Р.Ахмедова қарздор ёки қўшимча қарздор сифатида ўтмаган ва кредит қарзини қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олмаган.

Қўшимча жавобгар Р.Ахмедова фақатгина кредит пулларини қайтаришнинг гарови сифатида савдо дўкони биносини қўйган бўлиб, у фақатгина ушбу бинога оид масалалар бўйича жавобгар бўлиши мумкин.

7. Ўн ёшга тўлган фарзандларнинг ким билан яшаш ҳақидаги фикри эътиборга олинмаганлиги, суд қарорини бекор бўлишга асос бўлади.

Д.Хашимова жавобгар О.Хашимовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, вояга етмаган фарзандларини ўз тарбиясига олишни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 14 февралдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 3 октябрдаги ажрими билан қўйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, О.Хашимов ва Д.Хашимовалар 2002 йил 26 октябряда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, биргаликдаги турмушларидан 2003 йил 20 ноябрда туғилган Мунира ва 2007 йил 5 марта туғилган Ойбек исмли фарзандлари бор, бироқ ўзаро келишмовчиликлар сабабли 2017 йил апрель ойидан алоҳида яшаб келишган.

Васийлик ва ҳомийлик органининг хулосаларига кўра, тарафларда фарзандларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар етарли эканлиги қайд қилинган.

Фаргона вилояти Қ. шаҳар 12-мактаб психологи Р.Турановнинг ёзма хулосасида, болалар отаси билан яшашни хоҳлаётганлиги ҳамда отаси уларни моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлаб келаётганлиги кўрсатилган.

Судлар даъвогарнинг даъвосини рад қилишда мазкур хулосага асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 3-бандига кўра, суд 10 ёшга тўлган боланинг ота-онасининг қайси бири билан яшаш истаги борлигини ҳам эътиборга олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 68-моддасига асосан оиласда боланинг манфаатларига тааллукли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир.

Судлар қайд қилинган қонун ҳамда Пленум қарори талабларига риоя қилмасдан, тарафларнинг фарзанди 10 ёшдан ошган бўлишига қарамасдан, суд мажлисида уларнинг фикрини олиш чораларини кўрмасдан, мактаб психологининг хулосасига асосланиб, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Ваҳоланки, судлов ҳайъатида сўралган тарафларнинг вояга етмаган 2003 йил 20 ноябрда туғилган Мунира исмли фарзанди ота-онаси билан

бирга яшашни хоҳлаши, агар ота-онаси ажрашадиган бўлишса, онаси билан бирга яшашини хоҳлашини баён қилган.

6-1671-18-сонли иш

8. Эр хотиннинг никоҳлари давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулклари умумий мулк деб топиш мумкин эмас.

А.Расулова жавобгар Р.Расуловга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгар билан 2006 йил 5 июнда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурғанлигини, ўзаро келишмовчилик туфайли алоҳида яшаб келаётгандигини билдириб, Б. тумани, Фарҳод қўчасида жойлашган 36-сонли дўконни умумий мулк деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 19 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 3 октябрдаги ажрими билан қўйидаги асосларга кўра суд қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар Амина Расулова жавобгар Рустам Расулов билан 2006 йил 5 июнда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қуришган, биргаликдаги турмушларидан уч нафар фарзандлари бор.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 25-моддасига кўра, эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки хисобланади.

Бироқ, суд Б. тумани, Фарҳод қўчасида жойлашган 35-сонли дўконни тарафларнинг умумий мулки деб топиш ҳақида нотўғри холосага келган.

Чунки, мазкур савдо дўкони жавобгар Р.Расуловга 2003 йил 6 марта нотариал тасдиқланган ҳадя шартномаси асосида тегишли бўлган.

6-1946-18-сонли иш

9. Реабилитация этилган шахс етказилган маънавий зиённи ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан фуқаролик судига мурожаат қилиш хуқуқига эга.

И.Камилов жавобгар С. вилоят молия бошқармасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, асоссиз хукм қилинганлигини билдириб, 86.800.802 сўм моддий, 100.000.000 сўм маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 9 марта ажрими билан фуқаролик иши юритишдан тутатилган ҳамда даъвогарга мазкур масала бўйича хукм чиқарган судга мурожаат қилиш хуқуқи тушунтирилган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 12 майдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 10 октябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд ажримининг маънавий зарарни ундиришга оид қисмини иш юритишдан тугатиш ҳамда мазкур қисмни ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги апелляция инстанциясининг ажримини бекор қилиб, ушбу қисмни янгидан мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Аниқланишича, И.Камилов 2008 йил ноябрь ойидан 2012 йил 2 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси С. вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган.

С. вилоят прокуратурасининг 2012 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра, унга жиноят иши бўйича ЖК 210-моддаси учинчи қисмининг “б” банди билан айблов эълон қилинган ва тегишли суд ҳукми чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 21 сентябрдаги ажримига кўра, даъвогарга нисбатан барча ҳукм бекор қилинган ва жиноят иши ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан иш юритишдан тугатилган.

Амалдаги ЖПКнинг 306-моддасига кўра, реабилитация этиш тўғрисида қарор чиқарган суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувчи реабилитация этилган шахсадан ариза тушган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан зиён миқдорини аниқлайди.

Иш кассация ёки назорат тартибида кўриш чоғида суд томонидан тугатилган бўлса, зиён миқдорини ҳукм чиқарган суд аниқлайди.

Апелляция инстанцияси даъво талабининг моддий зарарни ундиришга оид қисмини иш юритишдан тугатиш ҳақида қонуний хulosага келган бўлсада, маънавий зарарни ундириш қисмини иш юритишдан тугатиш ҳақида нотўғри хulosага келган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 9-бандига кўра, Жиноят-процессуал кодексининг 57-моддасига мувофиқ, реабилитация этилганнинг маънавий зиённи ундиришга бўлган хуқуки оқлов ҳукми чиқарилганидан ёки жиноят ишини тугатилганидан кейин вужудга келишилигини назарда тутиш лозим (ЖПК 302, 306, 309 ва 310-моддалари). Реабилитация этилганга етказилган маънавий зиённи ундириш ҳақидаги даъво фуқаролик иши юритиш тартибида кўрилади.

6-1879-18-сонли иш

10. Мулқдорнинг уй-жойини бирон-бир шахсга сотганлиги ҳамда ундан тегишли пулни олганлиги ҳақидаги тилхат мавжуд бўлмаса, улар ўртасида тегишли олди-сотди шартномаси тузилган деб топишга асос бўлмайди.

3.Полвонова жавобгарлар С.Толипова ва Н.Умаровга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2009 йил февраль ойида С.Толиповага тегишли У. шахри, Гурлан кўчаси, 1-уй, 2-хонадонни тилхат асосида сотиб олган бўлса-да, улар олди-сотди шартномасини расмийлаштирмасдан келаётгандигини билдириб, жавобгарлар билан уй-жой бўйича тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2016 йил 17 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, 3.Полвонова билан С.Толипова ҳамда Н.Умаровлар ўртасида 2009 йилнинг февраль ойидаги юқорида қайд этилган хонадоннинг олди-сотди шартномаси ҳақиқий деб топилган.

3.Полвоновадан жавобгарлар С.Толипова ва Н.Умаровлар фойдасига 6.000.000 сўм ундирилиши белгиланган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 3 августдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатининг 2018 йил 16 октябрдаги ажрими билан қўйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, У.шахри, Гурлан кўчаси, 1-уй, 2-хонадон жавобгар С.Толиповага тегишли бўлган.

С.Толипова ва Н.Умаров 1986 йил 17 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар.

Н.Умаров томонидан ёзилган тилхатда (санасиз) у турмуш ўртоғи С.Толипова билан биргаликда низоли хонадон бўйича 2009 йил февраль ойида 3.Полвонова билан 21.000.000 сўмга ўзаро келишганлиги, турмуш ўртоғи билан биргаликда 3.Полвоновадан 15.000.000 сўмни санаб олганлиги, 6.000.000 сўм қолганлиги, қолган сумма берилгач хонадонни номига ўтказиб беришга келишганлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди, олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги хуносасини низоли хонадон С.Толипова ва унинг турмуш ўртоғи Н.Умаровнинг биргаликдаги умумий мулки бўлганлиги билан асослаган.

Бироқ, иш материалларида 3.Полвонова билан хонадоннинг мулқдори С.Толипова ўртасида хонадонни олди-сотди битимини тузишга келишганларини тасдиқловчи, у томонидан имзоланган ҳужжат мавжуд эмаслигига суд эътибор қаратмаган.

Шунингдек, кассация инстанцияси ҳал қилув қарорини бекор қилсада, ишни асоссиз равишда янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.